

ҚОРА КУНГА АЙЛАНГАН КУНДУЗ ёхуд олов занжиридаги мурғак тақдирлар

“Дарахтнинг илдизига урилган болтанинг азобини унинг энг нозик новдалари ва мевалари тортади. Ота-онанинг жаҳолати ва кибри туфайли етим қолган боланинг кўз ёши – Аршни титратадиган энг оғир мазлумликдир”.

Жалололдин Румий

Кузнинг совуқ шабадаси Вобкент кўчаларида изғиб, дарахтларнинг сўнгги заъфарон япроқларини аёвсиз тўкарди. Осмон худди бугун шу ерда яқун топадиган аянчли қисматдан хабардордек, туман устига оғир булутлардан кафан ёпганди. Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди биноси атрофида тўпланган одамларнинг юз-кўзида ваҳимали, оғир бир жимлик ҳукмрон эди.

Темир панжара ортида, худди ҳаёт билан алоқасини буткул узгандек бошини қуйи солиб ўтирган Адиз Раҳимовнинг нигоҳларида на нажот учкунлари, на ҳаётини илиқлик кўринарди. Залнинг қарама-қарши бурчагида эса чехрасидаги чуқур ажинларида бир умрлик исён қотиб қолган муштипар она – Фотима ая мунгли термилиб ўтирарди. Унинг кўзларидан сизиб чиқаётган ёшлар ўғлининг мудҳиш қилмиши ва келинининг фожиасидан куйган бағрини баттар тилкаларди.

Ҳаммаси катта орзу-умидлар билан бошланган эди. Адиз ва Зарифа Қодирова оила қуришганида, хонадонда дунёга келган икки нафар ширингина фарзанд – Азизбек ва Лазизбек ушбу кўрғоннинг чин қувончига айланганди. Аммо вақт ўтиши билан рўзғор ташвишлари, етишмовчиликлар ва уларнинг ортидан келиб чиққан доимий машмашалар орадаги меҳр ришталарини аста-секин емириб борди. Зарифа туман ободонлаштириш бошқармасида оғир ва заҳматли меҳнат билан шуғулланар, оиласини тебратиш учун тиним билмай ишларди.

У йиллар давомида эри томонидан тинимсиз камситилди, рухий ва жисмоний тазйиқларга учради. Аммо "аёл киши эрнинг уйдан фақат оқ кафанда чиқиши керак", "ор-номус ҳаммасидан баланд", "одамлар нима дейди" деган жамиятнинг ёзилмаган, аёвсиз қонунлари ичида яшагани учун ҳаммасига чидади. Оиласини асраш учун, гўдаклари етим бўлмаслиги учун ҳаммасини ичига ютиб, тишини тишига қўйиб ўзини ўлим бағригача етаклаб келди. Маҳалла масъуллари ва профилактика инспектори келиб, бир неча марта тушунтириш ишлари олиб борди. Аммо бу хонадондаги музлик барибир эриб кетмади.

Ўша машъум ва дим июль тонги... Хонадонда кутилмаганда жуда қаттиқ жанжал чиқди. Йиллар давомида тўпланган нафрат ва адоват портлади. Адиз Зарифага ваҳшийларча бақирар, аёл эса унга йиғлаб жавоб қайтарарди. Ушбу

дахшатли урушдан сўнг, Зарифа кўз ёшларини артиб, ишга кетишдан олдин болаларининг пешонасидан ўпди ва уларни бағрига босди:

– Бугун иккингиизга боғчадан қайтгунингизча энг яхши кўрган ширинлигингизни пишириб қўяман, майлими? Кечқурун байрам қиламиз, — деб ваъда берди зўрға жилмайиб. Болалар қувонч билан боғчага югуришди. Бу уларнинг сўнгги видолашуви эканлини қаердан ҳам билишсин...

Адиз болаларини маҳалладаги боғчага олиб чиқиб кетди. Ичида бўғилган ғазаб вулкони ушбу лаҳзаларда унинг онгини буткул захарлаб бўлганди. Ишхонасига бордию ҳар хил ёмон ўйлар унга тинчлик бермади. Ишини тугатмасдан ҳам уйи томон шошди, ҳовлига кирар кирмас кўзи полиэтилен идишдаги бензинга тушди...

Кўзлари қонга тўлган кимса ҳеч бир сўз демай, Зарифа ўтирган хонага бостириб кирди.

Ҳеч нарсадан беҳабар Зарифа эрининг юзига қараб улгурмасдан, устидан муздек, ўткир ҳидли суюқлик сепилди. Қўлдаги гугурт чақилган ўша сонияда Зарифанинг қалбидан чиққан аламли фарёди бутун қишлоқни ларзага келтирди. Аёл атиги бир неча сония ичида тирик оловга айланди. Уйдан чиқаётган қора тутун ва Зарифанинг дод-войини эшитиб, овсини Сабина ва кўшнилари югуриб келишди. Улар келинни кутқариш, устидаги оловни ўчириш учун ўзларини ўтга уриб, жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишди. Бироқ ёвуз аланга ўз ишини қилиб бўлганди.

Эртаси куни ҳодиса жойига етиб келган терговчилар ва криминалистлар хонани кўздан кечиришаркан, ҳар бир бурчак ўша дахшатли воқеадан сўзларди. Деворлардаги куйиб кетган суратлар, алангадан эриб кетган полиэтилен идиш қолдиқлари ва ердаги қорайган қон излари тергов баённомасига битта-битта муҳрланди. Энг юракни эзадиган нарса – стол устида турган, Зарифа болаларига пиширмақчи бўлган ширинлик учун тайёрлаб қўйилган ун ва шакар идишларининг куйган қолдиқлари эди. Терговчилар бу эриб кетган рўзғор буюмларини ашёвий далил сифатида пакетларга жойлашаркан, уларнинг ҳам қўллари титраб, кўзларига ёш келди. Оила кўрғонидан фақат мана шу куйган далилларгина қолганди.

Оғир куйиш жароҳатлари билан шифохонанинг реанимация бўлимига олиб борилган Зарифа бир неча кун чидаб бўлмас азоблар ичида яшади. У сўнгги нафасини олаётганида, кўзларини зўрға очиб, тепасида йиғлаб турган яқинларига пичирлади:

– Болаларим... Уларга ваъда бергандим... Ширинлик пишириб беролмадим... Уларни ёлғизлатиб қўйманглар... – деди-ю, кўзларидан оққан сўнгги ёш билан бу ёруғ дунёни тарк этди.

Мана, бугун суд залида ушбу фожиага якуний ва аянчли нуқта қўйилмоқда. Суд ҳайъати раиси Адизни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "ж" банди (ўта шафқатсизлик билан қасдан одам ўлдириш) бўйича айбдор деб топиб, 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақидаги ҳукмни ўқиб эшиттирди. Залда қонуннинг адолатли сўзи янграркан, орқа қатордан тўнғич ўғил Азизбекнинг юракни тилка-пора қилувчи йиғиси эшитилди.

Болакай қариндошларининг қўлидан юлқиниб, панжара ортида турган отаси томон талпинди. Унинг нигоҳида ҳам умид, ҳам даҳшатли нафрат қоришиб кетганди. У темир панжарани силкитиб, отасига бақирди:

– Дада! Нега қилдингиз буни?! Аямни соғиндим! Аям бизга ширинлик пишириб бераман дегандилар... Сиз уларни куйдирдингиз! Сизни энди ёмон кўраман! — деб чинқирди. Аммо шу лаҳзанинг ўзида мурғаклик ва фарзандлик меҳри устун келиб, у панжара орасидан кичкина қўлчаларини узатди, отасининг кишанланган қўлларини тутишга уринди:

– Дадажон... Энди биз ким билан қоламиз? Сизни барибир яхши кўраман-ку... Бизни ташлаб кетманг, дадажон! — деб бўзлади. Бу изтироб, бу қарама-қаршилик залда ўтирган судья ва прокурорларнинг ҳам кўнглини вайрон қилиб, кўзларини ёшга тўлдирди.

Бироқ, асл аянчли кунлар уларни суд биносидан ташқарисида кутиб турарди. Етимликнинг узун ва рутубатли тунлари бошланганди. Икки гўдак муштипар ва кекса бувиси Тоҳифа аянинг қарамоғида қолди. Аммо ҳаёт ва одамлар уларга шафқат қилмади. Аслида болалар ота-онанинг айби учун жавоб бермаслиги, улар жамият томонидан ҳимоя қилиниши керак эди. Лекин атрофдагилар қотиб қолган сохта ақидаларга бўйсуниб, беайб гўдаклардан жиркана бошлашди. Кўча-кўйда, мактабда одамлар уларни бармоқ билан кўрсатиб, орқаворотдан: "Ана, онасини тириклайин ёқиб юборган қотилнинг болалари келяпти, булардан узоқ юринглар, қонида бор", деб шипшишарди. Баъзи бемехр тенгдошлари эса уларнинг устидан кулиб, мазах қилишар, "Сенинг отанг қотил, онанг эса куйиб кетган!" деб юракларига ҳар куни захарли пичоқ уришарди. Болалар мактабдан ҳар куни хўрланиб, йиғлаб келар, одамлар орасига чиқишдан кўрқиб қолишганди. Дунё улар учун тор, бегона ва жуда тошбағир эди.

Кузнинг совуқ окшомларидан бирида, ушбу хўрликлардан, одамларнинг нафратидан ва она соғинчидан чарчаган Азизбек кичик укаси Лазизбекнинг қўлидан тутди. Улар уйнинг орқасидаги қоронғи омборхонага киришди. Азизбекнинг қўлида отасидан қолган ўша машъум қути – бир дона гугурт бор эди. У укасининг кўз ёшларини артиб, пичирлади:

– Йиғлама, Лазизбек. Одамлар бизни яхши кўрмайди, биздан жирканишади. Бизни ҳамиша хафа қилишяпти. Аям жаннатда, у ер жуда чиройли. Аям ҳам олов ичида учиб кетгандилар... Кел, биз ҳам ўзимизни ёқамиз, олов бўлиб, қушчага айланиб, ойимнинг ёнига учиб кетамиз. У ерда бизни ҳеч ким қотилнинг боласи деб устимиздан кулмайди, биздан юзини бурмайди...

Кичик Лазизбек акасининг гапларига ишониб, мимит кўзчаларини юмиб, онасини кўришни кутиб турди. Азизбек титраб турган қўллари билан гугурт донасини чақди. Кичик аланга қоронғи хонани ёритган, болалар унга қараб: “Аяжон, биз боряпмиз”, деб дуо қилаётган ўша даҳшатли сонияда, уларнинг ортидан хавотирланиб келаётган Фотима ая эшикни очиб кирди. Алангани ва набираларининг митти лабларидан чиқаётган гапларни эшитган онаизорнинг юраги тўхтаб қолаёзди. У ўзини олдинга ташлаб, гугуртни уриб туширди ва икки гўдакни бағрига босди.

– Вой болам! Нима қияпсизлар?! Мени тириклайин ўлдирмоқчимисизлар?! – деб дод солди кекса аёл.

Уччала етим бир-бирини маҳкам қучоқлаб, қоронғи хонада узок йиғлашди. Болалар олов ичидан нажот излашарди, чунки бу шафқатсиз дунё ва тошбағир одамлар уларнинг мурғак қалбларини отанинг ўша гугуртидан ҳам қаттикроқ куйдириб бўлганди.

Вобкент устига оғир куз туни чўкмоқда. Кўчаларда изғиран совуқ шабада эса инсонларга оила деб аталмиш муқаддас кўрғонни кибр ва адоват оловида куйдирмасликни, акс ҳолда бу оловдан чиққан тутун энг аввало беайб гўдакларнинг қисматини кул қилишини, уларни тирик етимлик ва инсонларнинг аёвсиз нафратига маҳқум этишини пичирлаб эслатаётгандек эди.

**Рашидова Нуржаҳонбегим Бунёдовна
“Суд журналистикаси” курси тингловчиси.**